

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИЯЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)

Усманов Машраб Рустамович

Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатлари..... 3

Усманов Машраб Рустамович

Территориальные аспекты организации туристических дестинаций в Джизакской области..... 21

Usmanov Mashrab Rustamovich

Territorial aspects of organization tourist destinations in Jizzak region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИЯЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Gr148 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Комилова Нилуфар Каршибоевна
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Баходирхон Шахриёрович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Жумаханов Шавкатжон Заиржанович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “2” декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош бино 105 хона, тел.: (0366) 239-16-36), факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№118 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “10” ноябр куни тарқатилди.
(2022 йил “31” 10 даги 34 рақамли реестр баённомаси).



С.Б.Аббасов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А.Мелиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, г.ф.ф.д. PhD.

А.Абдулқосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг ҳисоботида туризмни барқарор ривожлантиришнинг 10 та дастури баён этилган бўлиб, унда туризмни ривожлантиришнинг инновацион хусусиятлари ва жиҳатларини очиб бериш вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан дунё бўйича туристик дестинацияларга сайёҳлар оқимини янада ошириш, туристик салоҳиятни юксалтириш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунёда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий географик аҳамияти ва улушини янада ошириш мақсадида туризм бозорини самарали ривожлантиришга асос яратадиган замонавий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инновацион иқтисодиёт шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг иқтисодий-географик жиҳатларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини очиб беришга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон туристик бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 35-мақсади “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш...” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, республикамизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини янада ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва шу фармон билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”, 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6201-сон “Зомин” туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ҳамда халқаро умуммавсумий тоғ-чанғи курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” ва V. “Туристтик ҳудудий тизимларни шаклланиши, рекреация ва туристик имкониятларнинг ривожланишини баҳолаш ва таҳлил қилиш, Иқтисодий ва ижтимоий география, Ҳудудий-ишлаб чиқариш комплекслари (тизимлари)” нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур соҳани ривожлантиришнинг кўпгина муҳим назарий ва амалий муаммолари билан хорижий давлатлардан R.Davidson, U.Ziltener, O.Martin, H.Pechlaner, R.Blanshar, A.Mariotti, N.Leiper, I.G.Kohl, Corneliu Iatu, МДХ давлатларида А.Ю.Александрова, Н.Н.Баранский, Ю.А.Веденин, С.Р.Ердавлетов, П.Н.Зачиняев, И.И.Пирожник, Ю.Д.Дмитревский, Н.С.Мироненко, М.Б.Биржаков, И.Т.Твердохлебов, Д.В.Николаенко, Н.С.Фалкович каби олимлар ўз илмий тадқиқотларида туризм соҳасини янада такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистонда ҳам туризм географиясининг айрим муаммолари бўйича А.А.Рафиқов, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, С.Б.Аббасов, Ш.А.Азимов, А.З.Зокиров, М.Ҳошимов, Р.Хайитбоев, Н.Т.Шамуратова, Х.М.Маматқулов, И.С.Тухлиев, К.Б.Уразов, М.Р.Усмонов, Н.Э.Ибодуллаев, Ш.Т.Якубжонов, Р.Усманова, Ш.Ф.Шомуродова, Б.Ш.Сафаров, Н.С.Ибрагимов, Ш.А.Холмуродов ва Ў.Б.Бадалов каби олимлар томонидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Фарғона водийси мисолида туризмнинг иқтисодий таъсири, экотуризм, агротуризм масалалари анча кенг ёритилган. Улар туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун жойнинг сайёҳлик имконияти, табиий ресурс потенциали, реал экологик, иқтисодий, ижтимоий шароитининг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини баҳолаш, районлаштириш, назоратлаш, истиқболни белгилаш зарурлигини исботлашган. Лекин ушбу

изланишларда тадқиқот объекти ва предмети ҳисобланган Жиззах вилоятига туризм нуқтаи назаридан кам эътибор берилган.

Бироқ, вилоятда туризмни ривожлантириш учун туристик объектларнинг географик жойлашувини, имкониятларини аниқлаш, минтақани республикада сайёҳликнинг асосий маркази сифатида микро, мезо ва макротуристтик ўрни ҳамда географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сайёҳликнинг ролини ошириш, туризмнинг ўзига хос ва истиқболли маршрутларини ишлаб чиқиш, мавжуд туристик объектларни илмий жиҳатдан баҳолаш, уларни муҳофаза қилиш, минтақада туризмни ташкил этиш ҳамда бир қатор муаммоларни ҳал қилиш ва юқоридаги камчиликларни тўлдиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университетининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ №024 “Зомин миллий табиат боғининг туристик харитасини ишлаб чиқиш” ва “Зомин миллий табиат боғининг фотоальбомини яратиш” (2020 йил) мавзусидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятида туризм дестинацияларини ҳудудий ташкил этиш имкониятлари ва салоҳиятини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф-тавсиялар ҳамда ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туристик дестинацияларнинг назарий-амалий асосларини очиб бериш ҳамда Жиззах вилоятида мавжуд туристик масканларни ҳудудий ташкил этишда географик омилларнинг ўрнини аниқлаш, уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва имкониятларини ўрганиш;

Жиззах вилоятининг туристик-дестинация объектлари, тарихий ёдгорликлари, муқаддас диний қадамжоларини туристик районлаштириш ва ArcGIS дастури ёрдамида карталар яратиш;

вилоят туристик салоҳиятини баҳолаш, туристик дестинация объектлари билан боғловчи янги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш;

Жиззах вилояти туризмни комплекс ривожлантиришда туристик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сайёҳлик ташрифлари билан боғлиқ хизматлар соҳасини ривожлантириш, муаммо ва истиқболларини ўрганиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилояти ҳудудида туризмнинг ривожланишига асос бўлувчи туризм дестинациялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ҳудудий таҳлил, тарихий, районлаштириш, географик таққослаш, кузатув, мантиқий статистик таҳлил, картографик, тизимли таҳлил, психолого-эстетик, социологик сўров, эксперт баҳолаш ва бошқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг диққатга сазовор жойлари ҳамда туристик жозибадор масканларидан фойдаланиш йўналишлари илмий асосланган;

Жиззах вилоятининг ArcGIS дастури ёрдамида тузилган (1:1000000 масштаби) дестинацион-туристик районлаштириш ҳамда туристик дестинация объектлари, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас диний қадамжоларни ўзида акс эттирувчи (1:1000000 масштаби) туристик карталари яратилган;

вилоят миқёсида туристик дестинация объектлари билан боғловчи янги маршрутлар (Жиззах - Шароф Рашидов - Зомин - Янгиобод - Жиззах; Жиззах - Шароф Рашидов - Ғаллаорол - Бахмал - Жиззах; Жиззах - Шароф Рашидов - Фориш - Айдар-Арнасой кўллар тизими - Жиззах; Жиззах - Шароф Рашидов - Пахтакор - Дўстлик - Арнасой - Мирзачўл - Жиззах ва б.) ишлаб чиқилган;

Жиззах вилояти туризмини комплекс ривожлантиришда табиий ва маданий туризм ҳамда рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сайёҳлик ташрифлари билан боғлиқ хизматларни ҳудудий ташкил этиш, муаммо ва истиқболларини аниқлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилояти туристик дестинацияларни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатларига бағишланган “Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатлари” деб номланган мобиль илова дастури ишлаб чиқилган;

Жиззах вилояти туризмини комплекс ривожлантириш истиқболлари илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Жиззах вилояти ҳудудининг текислик, тоғ ва тоғолди туристик ҳудудларида туристик дестинацияларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

вилоят ҳудудида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар тизими йўналишида экотуризм-рекреация маршрути ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Жиззах вилояти статистика бошқармаси, вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси маълумотлари ҳамда дала-кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли органлар тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги илмий-назарий хулосалар,

тавсиялар, картографик ва бошқа бирламчи материаллар, Жиззах вилояти туристик дестинацияларини комплекс баҳолаш, туризм инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича методик ёндашувларни такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах вилояти туристик дестинацияларини комплекс ривожлантиришда табиий, маданий туризм ва рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланишга, янги туристик маршрутлар ишлаб чиқишга ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

республикамизда илк бор “туризм дестинацияси” географиянинг тадқиқот объекти сифатида ажратилган ва Жиззах вилоятининг диққатга сазовор жойлари ҳамда туристик жозибадор масканларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлашга доир илмий натижалари Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш дастурини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 04-18-/3511-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах вилоятидаги жозибадор ҳудудлар ва масканларни туристик дестинация сифатида ажратиш имкони яратилган;

Жиззах вилоятининг 1:1000000 масштабдаги дестинацион-туристик районлаштириш, туристик дестинация объектлар, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас диний қадамжоларни ўзида акс эттирувчи карталари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан вилоят ҳудудидаги дестинацион-туристик кластерларни яратиш амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 04-18-/3511-сон маълумотномаси). Натижада, тузилган туристик карталар вилоятни дестинацион-туристик районлаштириш ва янги масканларга туризм оқимини кўпроқ жалб этиш имконини берди;

Дестинацион-туристик мақсадларида районларга ажратиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан вилоятдаги дестинацион-туристик объектларни оптимал жойлаштириш ва инфратузилмани тартибга солиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 04-18-/3511-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятнинг туристик дестинациялари ресурс имкониятларини баҳолаш ва аҳолига туризм хизматини кўрсатиш ишларини такомиллаштириш имконини яратган.

Жиззах вилояти дестинацион-туристик объектларини баҳолашга доир илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос

вазирлигида вилоятнинг янги дестинацион-туристик маршрутлари схемаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 04-18-/3511-сон маълумотномаси). Натижада, улар асосида вилоятда истиқболли янги туристик маршрутлар сонини кўпайтиришга имкон яратди;

туризмни ривожлантириш мақсадларида баҳолаш мезонлари акс этган 1:1000000 масштабдаги Жиззах вилоятининг туристик-дестинация картасидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 04-18-/3511-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятдаги янги дестинацион-туристик объектлар, маршрутлар, худудларнинг дам олиш, соғломлаштириш ва туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш, янги туризм инфратузилма объектларини ва маршрутларини жойлаштириш, сайёҳлик ташрифлар билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туристик дестинацияларни иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида туристик дестинация тушунчасининг мазмуни ва илмий асослари, туристик дестинациянинг иқтисодий-ижтимоий географик

хусусиятлари ҳамда Ўзбекистонда туристик дестинациялардан фойдаланишнинг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, дестинация тушунчаси турли адабиётларда маълум чегараларга эга бўлган географик ҳудуд сифатида талқин қилинган. Воҳаланки, дестинация туристлар учун маълум бир жозибадорликка эга географик минтақа, ҳудуд ҳисобланади. Умуман, “дестинация” деб аталиши учун у қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

- туристларни қабул қилиш учун зарурий хизмат кўрсатиш мажмуасининг мавжудлиги;

- туристларни қизиқтирувчи диққатга сазовор объект ва жойлар мавжудлиги (дестинациялар ўртасидаги рақобатчиликнинг бош омилларидан бири жозибадорлик бўлиб, дестинация ҳудудига туристларни жалб этиш учун ўзига хос ажойиб бир томони бўлиши керак);

- ахборот тизимининг мавжудлиги туризм бозорида дестинациянинг зарурий “қуроли” ҳисобланади.

Туристларнинг турли-туман эҳтиёжларини таъминлаш учун турли қулайликлар, хизмат кўрсатиш воситалари ва хизматларга эга туристик дестинацияни марказ (ҳудуд) деб тавсифлаш ҳам мумкин.

“Дестинация” атамаси маъно жиҳатдан саёҳатчи ўз саёҳати давомида туристик фаолият олиб борадиган ҳудудни ифодалайди. Ушбу терминни Янги Зеландиялик олим Н.Лейпер 1980 йилларнинг ўртасида киритган. Ҳозирги кунда дестинация - бу маълум чегарага эга бўлган, туристларнинг кенг қўламли гуруҳини жалб эта оладиган ва уларнинг талабларини қондира оладиган географик ҳудуд, минтақа ҳисобланади.

Демак, биз “туристик дестинация” тушунчасига тўлиқ таъриф берадиган бўлсак, ўрганилаётган ҳудудда ёки манзилда доимий яшамайдиган ҳамда маҳаллий аҳоли тоифасига мансуб бўлмаган кишилар туристик саёҳат (экскурсия, туристик сафар) қилиш мақсадида ташриф қиладиган маълум ҳудуд, манзил, аҳоли яшаш жойи ёки тарихий-зиёрат объектлар тавсифланади.

Умуман олганда дестинация туристлар диққатини тортадиган, уларни борадиган манзилгоҳга қизиқтирадиган, туристик эҳтиёжини қондирадиган жозибадор маскан ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жойлашган маданий мерос объектларининг ҳудудлар бўйича баҳоланиши, вилоятлар бўйича маданий мерос объектларининг сони, археология, архитектура, монументал объектлари ва диққатга сазовар жойларини баҳолаш ҳамда объектлар сонига кўра ўрнини аниқлашга хизмат қилади.

“Дестинация” тушунчасига хорижий, Россия ва Ўзбекистон олимларнинг илмий манбаларида келтирилган таърифлар қуйидаги жадвалда ифодаланган (1-жадвал).

Манбаларда “дестинация” тушунчасига берилган айрим таърифлар

№	Муаллифлар	Таърифлар
Узоқ хорижий илмий манбаларда		
1.	Althof W.	Аниқ белгиланган жой ёки мақсадли худуд. Дестинация сифатида масалан шаҳар ташқарисидаги сайр учун жойлар, бўш вақтни ўтказиш учун иншоотлар, коммуналар, минтақалар, федерал ерлар, Германия, Евроиттифок кабилар бўлиши мумкин ² .
2.	Kaspar C.	“Туристтик таклифни кристаллаштирувчи” жой ³ .
3.	Leiper N.	Туристлар учун жозибадор географик худуд ⁴ .
4.	Pearce P.	Туристларда ҳар хил таассурот, тажриба ва ҳис-ҳаяжон қолдирувчи ташриф жойи ⁵ .
5.	Richi B., Krouch D.	Аниқ маъмурий – худудий чегарага эга бўлган маскан бўлиб, у мамлакат – макро-регион-провинция ёки штат-шаҳар, бетакрор худуд, миллий парк ва мемориалга эга маскан.
Россия ва бошқа МДХ, шунингдек, Ўзбекистондаги илмий манбаларда		
1.	Морозов М.А.	Турист эҳтиёжларига жавоб берадиган ва уни ташиш, овқатланиш, кўнгилочар машғулотлар ва шу кабиларга талабларини қондирувчи, маълум хизматлар тўпламини таклиф қилувчи худуд ⁶ .
2.	Себекина Т.А.	Ҳақиқий ёки мавҳум чегараларга (табiiй, сиёсий, географик, бозор) эга бўлган жой: туристлар маълум мақсадда келиб кетадиган мамлакат, вилоят, орол ва бошқалар ⁷ .
3.	Горохов А.Ф.	Туристтик дестинация деганда – замон ва маконда мужассамланган, жадал равишда ишлаб чиқарилувчи ва истеъмол қилинувчи туристик маҳсулотларнинг йиғиндиси ⁸ .
4.	Зорин А.И.	Дестинация – бу рекреация тизимларига эга маскан бўлиб, у мамлакат-регион-ландшафт-марказ-корхона-маршрут тизими шаклланган худуддир ⁹ .
5.	Б.Н. Навруз-Зода	Дестинация – ташриф мақсадини амалга оширадиган туристик манзил ¹⁰ .
6.	М.Р.Усманов	Дестинация – бу туристлар учун маълум чегараларга эга бўлган географик худуд, маълум бир жозибадорликка эга географик минтақа, туристларнинг турли-туман эҳтиёжларини таъминлаш учун турли қулайликлар, хизмат кўрсатиш воситалари ва хизматларга эга туристик марказ (худуд) ¹¹ .

Манба: Жадвал илмий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Althof W. Incoming-Tourismus. Muenchen; Wien; Oldenbourg, 1996. – p. 184.

³ Kaspar C. Das Schweizerische Tourismuskonzept. Bern, 1999.

⁴ Bryden J. Tourism and development. N.Y.; L., 1998.

⁵ Pearce P. Tourism development. L., Известия ИГЭА. 2007. № 6 (56).

⁶ Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме. Учебник. 2-е изд., испр. доп. – М.: ИЦ «Академия», 2005. – 293 с.

⁷ Себекина Т.А. Формирование комплекса продвижения туристских услуг дестинации (на примере Камчатки): автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: 2006. – 22 с.

⁸ Горохов А.Ф., Шубаева В.Г. Туристская дестинация: сущность, структура и условия ее социально-экономической адаптации к требованиям рынка. – СПб.: ГУЭФ. 2005.

⁹ Зорин А.И. Дестинация / А.И. Зорин, И.В. Зорин. - М.: ВЛАЦ, 2009.

¹⁰ Навруз-Зода Б.Н., Ибрагимов Н.С ва бошқалар. Туристтик худуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017. -153 б.

¹¹ Komilova N.K., Usmanov M.R., Safarova N.I., Matchanova A.E., Murtazaeva G.I. Tourist destination as an object of research of social and economic geography // Psychology and education (2021) 58(1): 2058-2067. ISSN: 00333077.

Диссертациянинг “Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этиш ва ривожлантириш” деб номланган иккинчи бобида Жиззах вилояти туристик дестинацияларини ҳудудий ташкил этишнинг географик омиллари, вилоятда туристик дестинацияларнинг шаклланиши ва ривожланиши, вилоят тоғ ва тоғолди ҳудудлари рекреация имкониятларидан туристик дестинация мақсадларида фойдаланиш ҳамда Жиззах вилоятини дестинацион-туристик районларга ажратилиб ўрганилди ва тавсифланди.

Табиий географик омиллар орасида вилоятнинг географик ўрни, табиий шароити, рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига асосий эътибор қаратилди. Шу билан бирга иқтисодий географик омиллар орасида вилоят аҳолиси, хўжалиги, саноати, транспорти кабиларга асосий эътибор қаратилди. Умуман олганда, вилоятда мавжуд туристик дестинацияларни ҳудудий жойлашувида табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик омилларнинг ўрни катта. Мазкур омиллар таъсирини янада чуқурроқ ўрганиш янгидан янги тадқиқотларни талаб этади.

Жиззах шаҳри ва унинг ҳудудларидаги туристик объектлар узоқ тарихий босқичлар давомида шаклланди. Жиззах вилоятида туризмнинг шаклланиши, тарихий, маданий ва бошқа объектларининг ривожланишини эрамиздан аввалги давр, VII-XII асрлар даври, Амир Темур ва темурийлар салтанати даври, Чор Россияси даври, собиқ Иттифоқ даври ва мустақиллик йиллари батафсил ўрганилди. Шу билан бирга Жиззах вилояти туристик дестинацияларида туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар, вилоят туристик дестинацияларида туризмнинг мавсумийлиги, Зомин, Бахмал ва ААКТ ҳудудларида тоғ туризми, экотуризм ва ов туризмнинг мавсумийлиги ҳамда Зомин миллий табиат боғи ҳудудига 2021 йилда ойлар ва йиллар кесимида сайёҳлар ташрифи, мавсумийлиги билан тавсифланди. Жумладан, Зомин миллий боғи ҳудудида жойлашган туристик дестинацияларига ташриф буюраётган сайёҳ ва туристлар миқдори, 2021 йилда Зомин миллий боғи ҳудудига дам олиш ҳамда соғлиқни тиклаш учун маҳаллий ва хорижий туристлар ташрифи, шунингдек, Зомин миллий табиат боғи ҳудудига кириш чипталари билан боғлиқ муаммолар ўрганилди.

2-жадвал

2017-2021 йилларда Зомин миллий табиат боғига ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар динамикаси

№	Йиллар	Маҳаллий сайёҳлар сони	Хорижий сайёҳлар сони	Жами ташрифлар	Энг кам иш ҳақи	0,05 %и	Тушум минг сўмда
1.	2017	63783	984	64767	172240	8612	557773
2.	2018	66334	933	67267	193515	9676	650875
3.	2019	83875	1431	85306	223000	11150	951162
4.	2020	14132	20	14152	245000	12250	173362
5.	2021	94206	586	94792	270000	13500	1279692

Манба: Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Натижада Зомин миллий табиат боғига бир суткада бир марта кириб чиқиш учун тўловлар миқдори аниқланиб, ушбу тўловлар орқали Зомин миллий боғи маъмурияти давлат ғазнасига 1 279 692 минг сўм маблағ олиб келди (2-3 жадвалларга қаранг). Келажакда вилоят аҳолисининг дам олиши ва табиат қўйнида маънавий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари, турли хил касалликларни даволаш, ўзига хос турли табиий, кимёвий хусусиятларга эга бўлган табиий объектларидан фойдаланиш имкониятлари кўп. Чунки, ҳудуддаги минерал ва шифобахш сув манбалари бор жойларда соғломлаштириш масканларини барпо этиш имкониятлари етарлича.

3-жадвал

Зомин миллий табиат боғи ҳудудига 2021 йилда ойлар кесимида сайёҳлар таширифи

№	Ойлар	Жами	Шу жумладан		
			Маҳаллий сайёҳлар	Хорижлик сайёҳлар	Тушум (минг сўмда)
1.	Январ	466	454	12	6291
2.	Феврал	661	637	24	8923
3.	Март	1193	1182	11	16105
4.	Апрел	3613	3598	15	48776
5.	Май	14835	14798	37	200273
6.	Июн	27693	27565	128	373855
7.	Июл	27733	27601	132	374396
8.	Август	12518	12397	121	168993
9.	Сентябр	4325	4293	32	58388
10.	Октябр	843	812	31	11380
11.	Ноябр	548	521	27	7398
12.	Декабр	364	348	16	4914
	Жами	94792	94206	586	1279692

Изоҳ: Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги 278-сонли қарорига асосан тўловлар амалга оширилган.

Моргузар тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган Зомин санаторийсини туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолади ҳамда вилоятнинг гидрографик ёдгорликлари яъни булоқлар, каналлар, дарёлар, сув омборлари ва сардобалари минтақа туризмни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Мавжуд шифобахш чашма сувлари ва балчиклар аҳоли соғлиғини тиклашда, соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга саналади.

Туризм хўжалигини ривожлантиришда ҳудуднинг табиий-иктисодий-ижтимоий жойлашувини шарт-шароитлари эътиборга олинган ҳолда, вилоят туманларининг дестинацион-туристик жиҳатдан районларга ажратиб ўрганиш зарурияти юзага келди ҳамда тадқиқот натижаларига асосланиб 5 та туристик районга ажратилди. Бунда вилоятни туристик дестинация мақсадларда районлаштиришда туманларнинг рельефи, географик ўрни, ўзаро яқинлиги, туристик маршрутларни тузишда транспорт йўлларининг қулайлиги, аҳолиси сони, ихтисослашуви ва туристик ресурсларнинг ўхшаш жиҳатлари эътиборга олинди. Жиззах вилояти ер юзасининг тузилиши, майдони, аҳолиси, ихтисослашуви ва туризм турлари бўйича туристик дестинация

районларга ажратилиши ҳамда туристик дестинация салоҳиятини баҳолаш ишлари атрофлича ёритилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Жиззах вилояти туристик дестинацияларини районлаштирилиши картаси

*Картанинг диссертацияга илова қилинган нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган.


Диссертациянинг “**Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ҳудудий ташкил этиш истиқболлари**” деб номланган учинчи бобида вилоятнинг туристик дестинацияларига маршрутлар ташкил этиш ва Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этишда зиёрат туризмнинг имкониятлари ҳамда туристик дестинацияларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий муаммолари ва истиқболлари батафсил ўрганилди.

Жиззах вилоятида сайёҳлик, соғломлаштириш, дам олиш масканларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун туристик маршрутларни аниқлаш, илмий асосда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш, сайёҳлик-туристик рекреацион карта ҳамда маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб келмоқда.

Шу сабабли Жиззах вилояти бўйича қуйидаги сайёҳлик маршрут йўналишлари ишлаб чиқилди:

- Жиззах ш.-Шароф Рашидов-Зомин-Янгиобод-Жиззах ш.
- Жиззах ш.-Шароф Рашидов-Ғаллаорол-Бахмал-Жиззах ш.
- Жиззах ш.-Шароф Рашидов-Фориш-Айдар-Арнасой кўллар тизими-Жиззах ш.

- Жиззах ш.-Шароф Рашидов-Пахтакор-Дўстлик-Арнасой-Мирзачўл-Жиззах ш (2-расмга қаранг). Бу маршрутларнинг барчаси трасса тузилишига кўра, айлана (халқали) йўналишлар ҳисобланади.




2-расм. Жиззах вилояти туристик дестинацияларининг янги маршрутлар картаси

*Картанинг диссертацияга илова қилинган нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган.

Айлана маршрут бу –“...боши ва охири бир географик пунктда жойлашган, маршрутда бир неча пунктларда тўхташ мўлжалланган ҳаракат йўналиши” эканлиги ўрганилди.

БЖиззах шаҳри → 1-ТД → 2-ТД → 3-ТД → 4-ТД → **Я**Жиззах шаҳри.

Қуйидаги маршрут трасса тузилишига кўра ўзида чизиқли, айлана ва радиал маршрутларни муайян тарзда мужассамлаштирган ҳаракат йўналиши сифатида-комбинациялашган (аралаш) маршрутлар туристик салоҳиятни юксалтиришга қулай шароит яратади (3-расмга қаранг).



3-расм. Комбинациялашган (аралаш) маршрутлар

Вилоят худудининг туристик имкониятлари, худудий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда 3 та экотуристик маршрутларга ажратилди. Булар

Зомин-Хўжамушкент, Сангзор ҳавзаси ва Фориш, Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристтик маршрутларига ажратилди. Мазкур туристик маршрутларга Жиззах шаҳридан туристик дестинацияларга бориладиган йўналишлар белгиланди.

Шунингдек, Зомин миллий табиат боғига туристик маршрутлар ташкил этиш, “Айдаркўлда дам олинг” экотуризм-рекреация маршрути, Жиззах вилоят ҳудудларида экотуристтик маршрутлар, Зомин-Хўжамушкент экотуристтик маршрути, Сангзор ҳавзаси экотуристтик маршрути ҳамда Фориш ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристтик маршрутлари туризмни ривожлантиришга қулай шароит яратади.

Жиззах вилояти ўзининг табиий-иқлимий, рекреацион, тарихий, маданий ва зиёрат туризми салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқодчи томонидан қуйидаги туристик маршрутларни тавсия этади:

- Жиззах шаҳрида жойлашган давлат арбоби ва ўзбек ёзувчиси Шароф Рашидов ва таниқли шоир Ҳамид Олимжон-Зулфия уй музейларига маданий-тарихий туристик маршрут, шунингдек шаҳар атрофидаги ҳудудларга “Жиззах сомса”сини истеъмол қилиш учун гастронимик маршрут;

- Айдар-Арнасой-Тузкон кўллар тизимида рекреацион, экотуристтик ва гастронимик маршрутлар;

- Мирзачўл туманидаги “Гагарин”, Ғалларол туманидаги “Маржон суви”, Зомин туманидаги “Зомин” санаторийларига рекреацион ва тиббий туризм маршрутлари;

- вилоятнинг Фориш туманидаги Ҳасан ота, Муҳаммад Шариф Грекушоҳ, Ҳазрати Эшон Халифа зиёратгоҳларига диний - зиёрат маршрути ҳамда “Нурота” тоғ-ёнғоқ ўрмон кўриқхонаси ва “Хонбанди” тарихий обидаларига экотуристтик маршрут;


- вилоятнинг Ғалларол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос, “Авлиё ота”, “Ғўбдин ота”, “Сайфин ота”, “Саврук ота” диний - зиёрат маршрути;

- Зомин ва Бахмал туманларидаги “Зомин давлат кўриқхонаси” ҳамда “Зомин миллий табиат боғи” тоғли ҳудудларида экстремал ва тоғ туризми маршрути;

вилоятнинг Бахмал туманида жойлашган “Ўснат ота”, “Шохид бува” “Новқа ота”, “Боғимозор”, “Хўжа Кўндаланг ота”, “Теракли ота” ва “Мачитли ота” диний-зиёратгоҳларига маршрутлар ишлаб чиқилиши ҳам вилоят диний туризмнинг ривожлантиришга асос бўлади.

Жиззах вилоятида зиёрат қилинадиган жойларга саёхатчиларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантиришда юқори салоҳиятга эга. Вилоятда зиёрат туризмни ривожлантиришда халқимиздаги ушбу зиёратгоҳларга бўлган ҳурмати ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиши лозимдир. Шунинг учун ҳам зиёрат туризмни нафақат ички балки халқаро даражада ривожлантиришда вилоят ва ҳар бир туманлардаги зиёратгоҳларнинг рўйхатини, манзилини ва зиёрат қилиш хусусиятлари ҳақидаги ахборот маълумотларни пухта ишлаб чиқишга имконият яратади.

2021 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда моддий маданий мерос объектлари сони 8208 тани ташкил этди. Бугунги кунда вилоятда жами 427 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларнинг 100 таси тарихий обида зиёратгоҳлар, 268 таси археологик ёдгорликлар, 59 таси монументал санъат объект ёдгорликлари ҳисобланиб, ушбу диққатга сазовар жойлар, тарихий ёдгорлик ва муқаддас диний қадамжолар вилоят туризм истиқболини белгилашда муҳим аҳамиятга эга (4-расмга қаранг).



4-расм. Жиззах вилоятининг туристик дестинациялари картаси

*Картанинг диссертацияга илова қилинган нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган.

Бугунги кунда вилоятнинг Фориш туманида Ҳасан ота, Муҳаммад Шариф Грекушоҳ, “Ҳазрати Эшон Халифа”, Ғаллаорол туманида Саъд ибн Абу Ваққос, Саврук ота, Сайфин ота, Зомин туманида Ғойибота, Тошкесганота, Бешбулоқ ота, Янгиобот туманида Хўжамушкент ота, Баҳмал туманида Новқа ота, Ўснат ота, Хожа Кўндаланг (Шаҳид бува), Малик Аждар (Моргузар ота), Шароф Рашидов туманидаги Парпи ота, Жиззах шаҳрида Хўжағозиён, Бобоякка ва Хўжамозор каби муқаддас зиёратгоҳлари ҳам мустақиллик йилларида ободонлаштирилиб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ва зиёратчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда.

Зиёратчилар ташриф буюрадиган мавсумда вилоят ҳудудида жойлашган 10 та йирик зиёратгоҳларига бир кунда ташриф буюрувчиларнинг ўртача рейтинги ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида вилоятда 70 тадан ортиқ зиёратгоҳлар мавжудлиги аниқланди.

Жиззах вилоятида туризм соҳасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни босқичма-босқич ҳал этиш келажакда ушбу тармоқни макроиктисодийнинг асосий қисмига айланишига хизмат қилади. Жиззах вилояти туризмни ривожлантиришда сайёҳлар

айирбошлашни яхши йўлга қўйиш энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларни минтақалар бўйича ҳудудий тақсимланишда сайёҳлик корхоналари ва ташкилотларнинг ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади.

Вилоят туризми муаммоларини ўрганиш мақсадида туристик сўровнома ўтказилди. Сўровнома ўтказишда турли касб эгалари, ёши, миллати, этник таркиби ҳар хил бўлган респондентлар қатнашади ҳамда бу борада шу соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари масалани кенгроқ ёритишга ёрдам беради. Сўровнома махсус анкета-сўровлари асосида ўрганилди. Вилоят тарихий обидалари, зиёратгоҳ жойлар, диний қадамжолар, ғорлар, тошлар, чашмалар ҳамда Зомин, Фориш туманларидаги давлат қўриқхоналари ва миллий боғлар, Айдар-Арнасой кўллари акваториясида наботот ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари мавжудлиги минтақада туризм истиқболини белгилайди. Бугунги кунда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тизимли ишлар янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жиззах вилояти туризмнинг келажақда ривожланиши, кадрлар салоҳиятининг ўсиши, туристик объектларнинг сайёҳларни қабул қилиш имкониятлари яхшиланиши, рекламанинг кучайтирилиши, сайёҳлик инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши минтақа ижтимоий-иқтисодий соҳасида катта ўзгаришларга олиб келади. Олиб борилган илмий тадқиқот таҳлиллари шуни кўрсатадики, Жиззах вилояти ўзининг бой табиий ресурслари, табиат ёдгорликлари ва туристик мажмуалари халқаро ва ички туризмнинг ривожлантиришда устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланади. Мазкур мақсадга эришиш учун туристик соҳага хизмат кўрсатувчи фан, таълим, бизнес ва сервис имкониятларини кенгайтиришга оид стратегик ва тактик дастурлар, истиболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалий жиҳатдан тадбиқ қилиш механизмини яратиш лозим.

Айдар-Арнасой кўллар тизими ўзига хос экотуристтик минтақа ҳисобланади. Бу ўз навбатида вилоят экотуризм истиқболида муҳим объект сифатида тадқиқ этилиши ҳам катта аҳамиятга эга саналади. Экотуризмга табиат томонидан ином этилган манзараларни ҳамда кўл, шаршара, булок, қоя, ғор, ўрмон ва ўсимликларни шунингдек, кишилар томонидан яратилган табиат ёдгорликларини ва бошқа объектларни киритиш мумкин. Табиат сайёҳларга ўзига хос завқ берса, бошқа тарафдан фойда олиш имкониятини ҳам яратиб, хорижий валюта тушумини оширади, туризм инфраструктураси ривожланади ва шунингдек маҳаллий ҳудудларда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Жиззах вилоятида туризмни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш учун сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилди. Вилоятда туризмни комплекс ривожлантириш ҳамда табиий, маданий, тарихий, зиёрат, экотуризм ва рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, сайёҳлик ташрифлари билан боғлиқ хизматлари, туристик инфратузилма ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатлари бўйича тадқиқот натижалари асосида куйидаги тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Туристик дестинацияларни ҳудудий ташкил этиш мамлакат, вилоят ёки туманда туризм соҳасида ўсиш нуқталарини белгилайди ва туризм кластерини шакллантириш, инновацион ривожлантириш имкониятини яратади;

2. Жиззах вилояти туристик дестинацияларини географик тадқиқ этиш, туризм турларини ҳудудий ташкил этиш, хариталаштириш, туристик имкониятларни таснифлаш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади;

3. Жиззах вилоятида туристик объектларининг туманлар даражасида имкониятларни баҳолаш, вилоят ер юзасининг тузилиши, майдони, аҳолиси, ихтисослашуви ва туризм турлари бўйича туристик дестинация салоҳиятини ўрганиш имконини беради;

4. Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни ҳудудий ташкил этиш ва шакллантириш учун жавоб бера оладиган моддий-техник, ахборот-таҳлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун асос бўлади;

5. Вилоятнинг табиий ва маданий ҳамда тарихий ёдгорликлари, гўзал ва бетакрор табиати, ландшафтлари билан боғлиқ туристик дестинацияларни ташкил этиш орқали Ўзбекистоннинг туризм бозоридаги ўрнининг ошишига сабаб бўлади;

6. Жиззах вилоятида туристик дестинацияларни янада ривожлантиришда аввало, вилоят ҳудудидаги табиий ёдгорликлар, чашмалар, ғорлар, қадимий чинорлар, сардобалар, дам олиш ҳамда соғломлаштириш, рекреация масканларини ўрганиш, уларнинг кадастрини юритиш ва хариталаштириш, миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва гузарлар ҳамда қадимги меъморчилик услублари сақланиб қолган маҳаллаларни аниқлаш ва туристик маршрутларга киритиш, туристик объектларга элтувчи йўлларни таъмирлаш, туманлардаги тарихий обидалар, дам олиш масканлари, диний қадамжоларни, зиёратгоҳларни ўрганиш ҳамда азиз ва муқаддас қадамжоларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир;

7. Жиззах вилоятининг 1:1000000 масштабдаги дестинацион-туристик районлаштириш, туристик дестинация объектлари, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас диний қадамжоларни ўзида акс эттирувчи карталари ҳамда туристик маршрутлар картаси ишлаб чиқилди;

8. Жиззах вилояти туризмни комплекс ривожлантиришда табиий, маданий, тарихий, зиёрат, экотуризм ва рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сайёҳлик ташрифлари билан боғлиқ хизматлар, туристик инфратузилма ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ШАРОФА РАШИДОВА**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УСМАНОВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ
ТУРИСТИЧЕСКИХ ДЕСТИНАЦИЙ В ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ**

11.00.02 - Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Gr148.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Комилова Нилуфар Каршибоевна**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сафаров Баходирхон Шахриёрович**
доктор экономических наук, профессор
Жумаханов Шавкатжон Заиржанович
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «2» декабря 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова, Главное здание, комната 105, тел.: (0366) 239-16-36), факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова зарегистрирована за №118). Адрес: 140104, Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан: «10» ноября 2022 года
(реестр протокола рассылки №34 от «7» ноября 2022 года).



С.Б.Аббасов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.г.н. PhD

А.Абдулкосимов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В отчете Всемирной туристской организации (UNWTO) описаны 10 программ устойчивого развития туризма, в которых определены задачи по выявлению инновационных особенностей и аспектов развития туризма. С этой точки зрения необходимо проводить исследования по увеличению потока туристов на туристические направления по всему миру, повышению и развитию туристского потенциала.

Особое внимание уделяется современным исследованиям, создающим основу для эффективного развития туристского рынка с целью развития туристической отрасли в мире, дальнейшего повышения ее социально-экономической географической значимости и доли в экономике. В плане выявления особенностей развития туристского рынка и совершенствования экономико-географических аспектов его эффективного развития в условиях инновационной экономики приоритет отдается раскрытию методологических и практических аспектов данного вопроса.

Для интенсивного развития туризма в нашей стране осуществляются масштабные меры по созданию благоприятных экономических и организационно-правовых условий, обеспечению конкурентоспособности национального туристического продукта на туристском рынке, повышению качества видов оказываемых услуг, увеличению потока прибывающих в нашу страну туристов. 35-й целью “Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года, является увеличение количества местных туристов с 12 млн. и иностранных гостей в республику в рамках программы “Путешествие по Узбекистану” довести количество туристов до 9 млн...” определены важные задачи. В связи с этим большое значение имеют исследования, направленные на постановку приоритетных целей и задач по опережающему развитию индустрии туризма в нашей республике, повышению ее роли и доли в экономике, совершенствованию туристской инфраструктуры.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-5326 от 3 февраля 2018 года “О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан”, УП-5611 от 5 января 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан” и утвержденной в этом Указе “Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019 - 2025 годах”, УП-6201 от 6 апреля 2021 года “О мерах по созданию туристско-рекреационной зоны “Заамин” и международного всесезонного курорта” и Постановлениях ПП-3514 от 7 февраля 2018 года “О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма”, Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VIII. “Науки о земле” и V. “Формирование туристических территориальных систем, оценка и анализ развития рекреации туристических возможностей; Экономическая и социальная география, Территориально-производственные комплексы (системы)”.

Степень изученности проблемы. Большинство важных теоретических и практических проблем развития данной отрасли исследовано в работах таких зарубежных ученых, как R.Davidson, U.Ziltener, O.Martin, H.Pechlaner, R.Blanshar, A.Mariotti, N.Leiper, I.G.Kohl, Corneliu Iatu, ученых стран СНГ, такими как А.Ю.Александрова, Н.Н.Баранский, Ю.А.Веденин, С.Р.Ердавлетов, П.Н.Зачиняев, И.И.Пирожник, Ю.Д.Дмитревский, Н.С.Мироненко, М.Б.Биржаков, И.Т.Твердохлебов, Д.В.Николаенко, Н.С.Фалкович ими разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию сферы туризма.

В Узбекистане некоторые проблемы географии туризма, влияние туризма на экономику, вопросы экотуризма, агротуризма широко освещены на примере Ташкентской, Самаркандской, Бухарской, Кашкадарьинской, Хорезмской, Джизакской областей и Ферганской долины такими отечественными учеными, как А.А.Рафиков, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, С.Б.Аббасов, Ш.А.Азимов, А.З.Зокиров, М.Хошимов, Р.Хайитбоев, Н.Т.Шамуратова, Х.М.Маматкулов, И.С.Тухлиев, К.Б.Уразов, М.Р.Усмонов, Н.Э.Ибодуллаев, Ш.Т.Якубжонова, Р.Усманова, Ш.Г.Шомуродова, Б.Ш.Сафаров, Н.С.Ибрагимов, Ш.А.Холмуродов, У.Б.Бадалов. Они доказали, что для организации и развития туризма необходимы оценка, районирование, контролирование, определение перспектив территориальных, периодических и комплексных особенностей туристских возможностей места, потенциала его природных ресурсов, реальных экологических, экономических, социальных условий. Однако в этих исследованиях уделено мало внимания с туристической точки зрения Джизакской области, являющейся объектом и предметом исследования.

Однако развитие туризма в области состоит в повышении роли туризма, разработке специфических и перспективных туристических маршрутов, дать научную оценку существующим туристическим объектам, охранять их, организовывать туризм в регионе, решить ряд проблем и устранить вышеуказанные недостатки, исходя из определения географического расположения, возможностей туристических объектов, определения микро, мезо и макротуристической роли региона в качестве основного центра туризма в республике.

